

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИНING
КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА СТАТИСТИК ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИШ ҲАҚИ
КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР
АСОСИДА БАҲОЛАШ ИМКОНИАТЛАРИ**

Илмий-амалий мақола

Тошкент – 2026

Муаллиф: Абраев Шерзод Хурромович. shabraev1979@gmail.com

Алоқадорлик: Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти, бўлим бошлиғи

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикасида иш ҳақи кўрсаткичларини баҳолаш амалиётини хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш имкониятлари ёритилади. Асосий эътибор Италия Миллий статистика институти (Istat) амалиётида қўлланиладиган меҳнат сарфи усули (Labour Input Method — LIM), Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ОЕСД)нинг тўлиқ иш вақти эквиваленти (Full-Time Equivalent — FTE)га асосланган ўртача иш ҳақи ёндашуви, Евростат (Eurostat)нинг иш ҳақи тузилмаси, меҳнат қиймати ва гендер иш ҳақи тафовути методологияларига қаратилган. Мақолада Италия усули тўлиқ миллий ҳисоблар модели сифатида кўчирилмайди, балки унинг асосий тамойиллари — ишчи кучи/уй хўжаликлари кузатуви ва юридик шахслар статистика ҳисоботларини бир хил меҳнат сарфи бирлигига келтириш, расмий ҳисобот қамровидан ташқари меҳнат сарфини аниқлаш ва конверт/қўшимча тўловларни сўров маълумотлари асосида баҳолаш — Ўзбекистон маълумотларига мослаштирилган ҳолда кўриб чиқилади. 2024 йил учун амалга оширилган экспериментал ҳисоб-китоблар иш ҳақи статистикасини фақат ўртача ойлик сумма билан эмас, балки FTE, соатлик иш ҳақи, медиана, паст иш ҳақи улуши, конверт/қўшимча тўловлар ва қамровдан ташқари меҳнат сарфи билан бирга таҳлил қилиш зарурлигини кўрсатади.

Калит сўзлар: иш ҳақи, тўлиқ иш вақти эквиваленти (FTE), меҳнат сарфи усули (LIM), конверт тўлов, уй хўжаликлари кузатуви, юридик шахслар ҳисоботи, медиана иш ҳақи, соатлик иш ҳақи, Италия Миллий статистика институти, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти, Евростат, Ўзбекистон.

Abstract. The article examines opportunities to improve wage statistics in Uzbekistan using foreign experience, especially Italy’s Istat approach, OECD’s full-time equivalent wage methodology, Eurostat’s structure of earnings and labour cost frameworks, and the Labour Input Method. The paper does not claim a full replication of the Italian national accounts model; rather, it adapts its key principles to Uzbekistan’s available data. Experimental calculations for 2024 show how official enterprise statistics and household/labour force survey microdata may be combined by economic activity to assess FTE wages, envelope/additional payments and labour input outside enterprise reports.

Кириш: иш ҳақи кўрсаткичига янгича қараш зарурати

Иш ҳақи кўрсаткичи жамиятда энг кўп муҳокама қилинадиган статистик кўрсаткичлардан биридир. Оддий фуқаро учун у турмуш даражасининг ўлчови, корхона учун меҳнат харажати, давлат учун эса ижтимоий сиёсат, бюджетни режалаштириш ва меҳнат бозорини бошқариш воситасидир. Шу боис ўртача ойлик иш ҳақи ошдими ёки пасайдими, деган савол ортида анча мураккаб мазмун ётади: кимнинг иш ҳақи ошди, қайси тармоқда ошди, тўлиқ иш кунда ишлаганлар билан тўлиқсиз ишлаганлар бир хил ҳисобландими, расмий ҳисоботда кўринмаган тўловлар борми, деган саволларга ҳам жавоб керак бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2025 йил январь-декабрь ойларида республика бўйича юридик шахсларда

ишловчи ходимларнинг ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кичик тадбиркорлик субъектлари ва қишлоқ хўжалик корхоналарини инобатга олмаган ҳолда 6 376,7 минг сўмни ташкил этган ва 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 18,9 фоизга ўсган¹. Бу кўрсаткич мамлакатда иш ҳақи динамикасини кузатиш учун муҳим. Лекин у меҳнат бозоридаги барча ҳолатларни тўлиқ очиб бермайди. Масалан, ўртача кўрсаткич юқори иш ҳақи олувчи нисбатан кичик гуруҳ таъсирида кўтарилиши, паст иш ҳақи олувчилар улушини яшириши ёки тўлиқсиз иш вақтида ишловчилар таъсирини тўлиқ кўрсатмаслиги мумкин.

Халқаро амалиётда иш ҳақи фақат ўртача ойлик кўрсаткич сифатида эмас, балки бир нечта ўзаро боғлиқ индикаторлар орқали баҳоланади: тўлиқ иш вақти эквиваленти асосида ҳисобланган иш ҳақи, соатлик иш ҳақи, медиана, паст иш ҳақи улуши, гендер иш ҳақи тафовути (Gender Pay Gap), меҳнат қиймати, ишланган соатлар ва расмий ҳисобот қамровидан ташқари меҳнат сарфи. Бу ёндашув меҳнат бозорининг ҳақиқий ҳолатини кўпроқ очиб беради.

Мақолада асосий мақсад иш ҳақи кўрсаткичларини такомиллаштириш, ФТЕ асосида ҳисоблаш, конверт/қўшимча тўловларни баҳолаш ва Италия тажрибасидаги меҳнат сарфи усулини Ўзбекистон маълумотларига мослаштиришга қаратилган.

1. Хорижий тажрибалар нимани ўргатади?

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD) ўртача йиллик иш ҳақи (average annual wages) кўрсаткичини миллий ҳисоблар асосидаги умумий меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларни иқтисодиёт бўйича жами ходимлар сонига бўлиш ва натижани тўлиқ иш вақти эквивалентига келтириш орқали ҳисоблашини кўрсатади². Бу ерда асосий ғоя шундан иборат: иш ҳақи фақат одамлар сонига эмас, уларнинг ҳақиқий меҳнат сарфига ҳам боғланиши керак.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти, Халқаро валюта фонди, Халқаро меҳнат ташкилоти ва МДХ статистика қўмитаси томонидан тайёрланган “Кузатилмайдиган иқтисодиётни ўлчаш бўйича қўлланма” (Measuring the Non-Observed Economy: A Handbook) меҳнат сарфи усулини кузатилмайдиган иқтисодиётни баҳолашда муҳим усул сифатида тавсифлайди. Қўлланмада уй хўжаликлари ёки ишчи кучи кузатуви орқали меҳнат таклифи, корхона ҳисоботлари орқали меҳнатдан фойдаланиш баҳоланиши, кейин икки манба бир хил бирликка — ишланган соатлар ёки ФТЕга — келтирилиши қайд этилади³.

¹ <https://stat.uz/uz/default/press-reizlar/59341-2025-yil>.

² OECD. Average annual wages indicator: definition and methodology

³ OECD, IMF, ILO, CIS Stat. Measuring the Non-Observed Economy: A Handbook. OECD, 2002. Labour Input Method: 65–66-бетлар, 5.21–5.31-бандлар; Italian Approach: 71–74-бетлар, 5.70–5.75-бандлар.

Италия тажрибасининг амалий қиймати шундаки, Италия Миллий статистика институти (Istat) бир нечта манбани бир тизимга боғлайди: ишчи кучи кузатуви, бандлик, иш ҳақи ва ижтимоий ажратмалар бўйича чораклик кузатув тизими (ORos), вакансиялар, ишланган соатлар ва тўланган соатлар бўйича чораклик кузатув (Vela), Италия Миллий ижтимоий таъминот институти (INPS) маъмурий маълумотлари, йирик корхоналар кузатувлари ва миллий ҳисоблар. Istatнинг “Меҳнат бозори” ҳисоботларида ORos тизими FTE, иш ҳақи ва ижтимоий тўловлар бўйича чораклик ахборотни INPS маълумотлари ва йирик корхоналар ойлик кузатувлари билан интеграция қилиши кўрсатилган⁴.

1-жадвал. Хорижий амалиётлар ва уларнинг Ўзбекистон учун методологик аҳамияти

Манба / мамлакат	Асосий ёндашув	Ўзбекистон учун аҳамияти
ИХТТ (OECD)	Ўртача иш ҳақини меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар ва FTE асосида ҳисоблаш	Ўртача иш ҳақини ишланган соатлар ва тўлиқ иш вақти эквиваленти билан боғлаш.
Италия Миллий статистика институти (Istat)	Ишчи кучи кузатуви, ORos, Vela, INPS ва миллий ҳисоблар интеграцияси; меҳнат сарфи усули	Юридик шахслар ҳисоботи, ишчи кучи кузатуви ва маъмурий маълумотларни уйғунлаштириш.
Евростат	SES, LCS, гендер иш ҳақи тафовути ва паст иш ҳақи олувчилар кўрсаткичларидан фойдаланиш.	Медиана, соатлик иш ҳақи, паст иш ҳақи ва гендер тафовут индикаторларини жорий этиш.
Европа меҳнат органи (ELA)	Меҳнат сарфи усули асосида Европа Иттифоқида эълон қилинмаган меҳнатни баҳолаш	Сўров маълумотлари ва корхона ҳисоботларини тармоқлар кесимида таққослаш.
Ўзбекистон	Расмий иш ҳақи асосан юридик шахслар статистик ҳисоботлари орқали шаклланади	Расмий кўрсаткични сақлаган ҳолда қамровдан ташқари меҳнат ва қўшимча тўловларни алоҳида баҳолаш.

Манба: OECD, Istat, Eurostat ва European Labour Authority методологик материаллари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Евростат амалиётида иш ҳақи кўрсаткичлари иш ҳақи тузилмаси бўйича кузатув (Structure of Earnings Survey — SES), меҳнат қиймати бўйича кузатув (Labour Cost Survey — LCS), гендер иш ҳақи тафовути (Gender Pay Gap) ва паст иш ҳақи олувчилар (Low-wage earners) кўрсаткичлари орқали ўрганилади. Бу Ўзбекистон учун ходим даражасидаги микромаълумотларни босқичма-босқич ривожлантириш зарурлигини кўрсатади.

Шу билан бирга, ушбу мақолада Италиядаги меҳнат сарфи усули тўлиқ миллий ҳисоблар модели сифатида қўлланилмайди. Италия амалиётида меҳнат сарфи фарқлари кейинчалик ишлаб чиқариш, қўшилган қиймат ва миллий

⁴ Istat. Labour Market, Second quarter of 2025. ORos, Vela, INPS, FTE ва ишланган соатлар бўйича методологик изоҳлар: 4–6-бетлар.

ҳисоблар кўрсаткичлари билан боғланади. Мақолада эса мазкур ёндашувнинг Ўзбекистон маълумотларига мослаштирилган босқичи — юридик шахслар ҳисоботи ва ишчи кучи/уй хўжаликлари кузатуви маълумотларини FTE асосида солиштириш, конверт/қўшимча тўловлар фондиди сўров маълумотлари орқали баҳолаш ва расмий ҳисобот қамровидан ташқари меҳнат сарфини аниқлаш қўлланилади.

2. Тўлиқ иш вақти эквивалентида ҳисобланган иш ҳақи нима?

Тўлиқ иш вақти эквиваленти (Full-Time Equivalent — FTE) тўлиқ ва тўлиқсиз ишловчиларни бир хил меҳнат сарфи бирлигига келтиради. Масалан, 2 нафар ярим ставкада ишловчи шахс меҳнат сарфи нуқтаи назаридан 1 та тўлиқ иш вақти эквивалентига тенг бўлиши мумкин. Шу сабабли FTE асосида ҳисобланган иш ҳақи оддий “меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар / ходимлар сони” формуласига нисбатан меҳнат сарфини аниқроқ акс эттиради.

$$W_{FTE} = \frac{F_r}{P_{FTE}}$$

Бу ерда:

W_{FTE} - тўлиқ иш вақти эквивалентида ҳисобланган иш ҳақи;

F_r - расмий меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар;

P_{FTE} - тўлиқ иш вақти эквивалентидаги ходимлар сони.

Бироқ FTE иш ҳақи яширин ёки “конверт” тўловларни автоматик акс эттирмайди. Чунки унинг сурат қисмида расмий ҳисоботларда кўрсатилган иш ҳақи фонди туради. Агар корхона ходимга расмий 4 млн сўм ҳисоблаб, яна 1 млн сўмни конвертда берса, FTE иш ҳақи бу қўшимча тўловни ўзи кўрмайди.

Демак, FTE иш ҳақи расмий иш ҳақини меҳнат сарфига нисбатан тўғрироқ ҳисоблайди, меҳнат сарфи усули эса расмий ҳисоботларда кўринмаган меҳнат сарфини топишга ёрдам беради. Конверт тўловлар эса ишчи кучи ёки уй хўжаликлари кузатувидаги махсус саволлар асосида алоҳида баҳоланади.

3. Ўзбекистонда мавжуд маълумотлар ва методологик муаммо

Ўзбекистонда банд аҳоли таркиби бир нечта блокдан иборат: расмий сектор, норасмий сектор ва хорижда ишловчилар. Расмий секторнинг ўзи ҳам фақат юридик шахсларда ишловчилардан иборат эмас. Унда юридик шахсларда ишловчилар, яқка тартибдаги тадбиркорлар, солиқ органларида рўйхатдан ўтган ўзини ўзи банд қилганлар, деҳқон ва шахсий ёрдамчи хўжаликлари ҳамда бошқа иқтисодий бирликларда ишловчилар мавжуд.

Муҳим жиҳат шундаки, статистика ҳисоботлари асосида шаклланадиган иш ҳақи маълумотлари асосан юридик шахслар томонидан тақдим этилган ҳисоботларга таянади. Расмий секторнинг бошқа қисми — ЯТТ, ўзини ўзи банд қилганлар ва айрим бошқа бирликлар бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар тўлиқ шаклланмаслиги мумкин.

Шу сабабли Ўзбекистонда иш ҳақини хорижий тажрибалар асосида баҳолашда учта саволни аралаштирмаслик керак. Биринчи савол: юридик шахслар ҳисоботидаги расмий иш ҳақи қандай? Иккинчи савол: меҳнат бозорида расмий ҳисобот қамровидан ташқари қанча меҳнат сарфи бор ва унинг даромади қандай баҳоланади? Учинчи савол: юридик шахсларда расмий иш ҳақидан ташқари конверт ёки бошқа шаклда қўшимча тўловлар борми?

Юридик шахсларда ёлланма ходимларга тўланган ҳақ миллий ҳисобларда ходимлар компенсацияси сифатида акс этса, ЯТТ, ўзини ўзи банд қилганлар ва оилавий хўжаликлардаги меҳнат даромади кўп ҳолларда аралаш даромад таркибида намоён бўлади. Ушбу мақолада асосий мақсад ЯИМни қайта ҳисоблаш эмас, иш ҳақи кўрсаткичларини тўлиқроқ баҳолаш имкониятини кўрсатишдир.

4. Ҳисоблаш мантиғи: Италия LIM тамойилларини Ўзбекистонга мослаштириш

Мазкур ҳисоб-китоблар Италияда қўлланиладиган меҳнат сарфи усули (Labour Input Method — LIM)нинг тўлиқ миллий ҳисоблар модели эмас, балки унинг асосий тамойиллари — меҳнат сарфини FTEга келтириш, ишчи кучи/уй хўжаликлари кузатуви ва юридик шахслар ҳисоботи маълумотларини солиштириш, расмий ҳисобот қамровидан ташқари меҳнат сарфини баҳолаш — Ўзбекистон маълумотлари асосида мослаштирилган экспериментал ёндашувдир.

Ҳисоб-китобларда учта манба уйғунлаштирилди: 1) юридик шахслар бўйича расмий статистика ҳисоботлари; 2) ишчи кучи/уй хўжаликлари кузатуви микромаълумотлари; 3) иқтисодий фаолият турлари кесимида жами бандлар сони.

1. Тўлиқ иш вақти эквивалентидаги ходимлар сони

$$FTE_r = \frac{T_r}{T_m}$$

Бу ерда:

T_r - ҳисобот даври давомида ходимлар томонидан ишланган жами соатлар сони (киши/соат);

T_m – 5 кунлик иш ҳафтасида ишловчи битта ходим ҳисобот даврида ишлаши мумкин бўлган меъёрий иш вақти.

2. Тармоқ вазни

Ишчи кучи ёки уй хўжаликлари кузатуви натижаларини иқтисодий фаолият турлари кесимида республика даражасига ёйиш учун тармоқ вазни ҳисобланади.

$$K_s = \frac{N_s}{n_s}$$

Бу ерда:

K_s — s-тармоқ бўйича тармоқ вазни;

N_s — s-тармоқдаги жами бандлар сони, киши;

n_s — сўровда s-тармоқ бўйича кузатилган респондентлар сони, киши.

Мазкур вазн сўровда қатнашган битта респондент тегишли тармоқда нечта банд шахсни ифодалашини кўрсатади. Масалан, агар савдо соҳасида жами 2 000 000 нафар банд шахс мавжуд бўлиб, сўровда ушбу соҳадан 2 000 нафар респондент қатнашган бўлса, тармоқ вазни 1 000 га тенг бўлади.

3. Уй хўжаликлари ёки ишчи кучи кузатуви асосида тармоқ FTEсини ҳисоблаш

$$FTE_s = \sum \left(\frac{h_i * K_s}{1000} \right)$$

Бу ерда:

FTE_s — уй хўжаликлари ёки ишчи кучи кузатуви асосида ҳисобланган тармоқ FTEси, минг киши;

h_i — i-респондент томонидан охириги 7 кунда ишланган соатлар;

40 — ҳафталик меъёрий иш вақти.

4. Конверт/қўшимча тўловлар фонди

Уй хўжаликлари ёки ишчи кучи кузатувида респондентлар томонидан билдирилган конверт ёки бошқа шаклдаги қўшимча тўловлар тармоқ вазни орқали республика даражасига ёйилади.

$$F_{env} = \sum (K_s * W_{env})$$

Бу ерда:

F_{env} — баҳоланган конверт/қўшимча тўловлар фонди;

W_{env} — респондент томонидан билдирилган йиллик конверт ёки қўшимча тўлов суммаси.

5. Конверт тўловлар қўшилган тўлиқ иш вақти эквивалентидаги иш ҳақи

Конверт ёки қўшимча тўловлар ҳисобга олинган ҳолда тўлиқ иш вақти эквивалентидаги иш ҳақи қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$W_{FTE} = \frac{F_{rasmiy} + F_{env}}{FTE_r}$$

Бу ерда:

W_{FTE} — конверт тўловлар қўшилган тўлик иш вақти эквивалентидаги иш ҳақи;

F_{rasmiy} — расмий статистика ҳисоботлари асосидаги меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар фонди.

6. Қамровдан ташқари тўлик иш вақти эквиваленти

Расмий статистика ҳисоботларида акс этмаган меҳнат сарфини баҳолаш учун ишчи кучи/уй хўжаликлари кузатуви асосида ҳисобланган тўлик иш вақти эквиваленти билан расмий статистика ҳисоботи асосида ҳисобланган тўлик иш вақти эквиваленти ўртасидаги фарқ аниқланади.

$$FTE_{out} = \max(FTE_s - FTE_r, 0)$$

Бу ерда:

FTE_{out} — расмий статистика ҳисоботи қамровидан ташқари тўлик иш вақти эквивалентидаги меҳнат сарфи;

$\max(..., 0)$ — агар фарқ манфий бўлса, натижа 0 деб қабул қилинишини аниқлатади.

Бу ерда муҳим методологик оғоҳлантириш зарур: кузатув натижалари асосида ҳисобланган тўлик иш вақти эквивалентидаги меҳнат сарфидан расмий статистика ҳисоботи асосида ҳисобланган тўлик иш вақти эквиваленти айирилганда, расмий ҳисобот қамровидан ташқари меҳнат сарфи баҳоланади. Натижада келиб чиқадиган фарқ тўлик конверт усулида тўлов дегани эмас. Бу фарқ юридик шахслар ҳисоботи қамровидан ташқари меҳнат сарфини кўрсатади. Унинг таркибида ЯТТ, ўзини ўзи банд қилганлар, деҳқон хўжаликлари, норасмий ёлланма ишчилар ва бошқа меҳнат шакллари бўлиши мумкин. Конверт тўлов эса сўровномада алоҳида сўралган қўшимча тўловлар асосида баҳоланади.

5. 2024 йил учун экспериментал ҳисоб-китоб натижалари

2024 йил маълумотлари асосида ўтказилган ҳисоб-китоб расмий статистик кўрсаткич мақомига эга эмас. У методологик имкониятни намойиш этиш, манбаларни уйғунлаштириш ва қайси маълумотлар етишмаслигини кўрсатиш учун ишлаб чиқилди.

Умумий расмий ҳисоб-китобда юридик шахслар бўйича ўртача ойлик иш ҳақи ходимлар сонига нисбатан ҳисобланганда 4 404,2 минг сўм, FTE асосида

ҳисобланганда эса 4 793,1 минг сўм атрофида баҳоланди. Бу фарқ FTE ёндашуви тўлиқсиз иш вақти таъсирини нейтраллаштириши билан изоҳланади.

2-жадвал. 2024 йил учун экспериментал ҳисоб-китоб натижалари, минг киши

Кўрсаткич	Натижа	Изоҳ
Юридик шахсларда ходимлар сони	4 815,4	Статистика ҳисоботи асосида
Юридик шахсларда тўлиқ иш вақти эквиваленти	4 424,7	Ишланган соатлар асосида
Юридик шахслар бўйича расмий иш ҳақи, минг сўм	4 404,2	Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар / ходимлар сони
Тўлиқ иш вақти эквиваленти асосида расмий иш ҳақи, минг сўм	4 793,1	Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар / FTE
Ишчи кучи кузатуви бўйича жами бандлар	14 261,9	Ишчи кучи кузатуви маълумоти
Расмий сектор жами	7 509,1	Ишчи кучи кузатуви маълумоти
Юридик шахслар ҳисоботидан ташқари расмий сектор	2 693,7	ЯТТ, ўзини ўзи банд, бошқа бирликлар
Хорижда ишловчилар	1 377,7	Ишчи кучи кузатуви маълумоти
Ички норасмий сектор	5 375,1	Ишчи кучи кузатуви маълумоти
Меҳнат сарфи усули бўйича ички иқтисодиёт иш ҳақи, базавий сценарий, минг сўм	4 401,7	Хорижда ишловчилар ички ҳисобга қўшилмаган

Манба: 2024 йил учун расмий статистика ҳисоботи ва Уй хўжаликлари кузатуви маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

Натижалардан кўринадики, юридик шахслар ҳисоботи расмий секторнинг муҳим қисми бўлса-да, меҳнат бозорининг барча қисмини қамраб олмайди. Шу сабабли меҳнат сарфи усули иш ҳақи сиёсати учун алоҳида диагностик восита сифатида муҳим.

6. Уй хўжаликлари кузатуви орқали конверт/қўшимча тўловларни баҳолаш

Сўровнома микромаълумотларида 24 766 та кузатув мавжуд бўлиб, иқтисодий фаолият турлари бўйича тармоқ вазнлари ҳисобланди. Уй хўжалиги кузатувидаги “конверт ёки бошқа шаклда қўшимча маош/фойда” тўғрисидаги савол яширин ёки қўшимча тўловни баҳолаш учун муҳим ахборот манбаи ҳисобланади.

3-жадвал. Кузатув орқали конверт/қўшимча тўловларни баҳолаш натижалари

Кўрсаткич	Натижа
Сўровнома ўтказилганлар сони	24 766 киши
Жами бандлар сони	14 261,9 минг киши
Юридик шахслар бўйича расмий меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар	254 495,7 млрд сўм
Сўров асосида баҳоланган конверт/қўшимча тўлов фонди	16 265,2 млрд сўм
Конверт/қўшимча тўловларнинг расмий иш ҳақи фондидаги улуши	6,4 %
Расмий FTE иш ҳақи	4 793,1 минг сўм
Конверт тўлов қўшилганда FTE иш ҳақи	5 099,4 минг сўм
Фарқ	306,3 минг сўм

Манба: Уй хўжаликлари/ишчи кучи кузатуви маълумотлари ва 2024 йил учун муаллиф ҳисоб-китоблари.

Ҳисоблаш натижасига кўра, кузатув асосида баҳоланган конверт/қўшимча тўловлар фонди расмий иш ҳақи фондига нисбатан 6,4 фоиз атрофида баҳоланди. Агар ушбу қўшимча тўловлар FTE асосидаги иш ҳақи ҳисоб-китобига қўшилса, расмий FTE иш ҳақи 4 793,1 минг сўмдан 5 099,4 минг сўмгача ошади.

Бу рақам республика бўйича якуний расмий баҳолаш эмас. Чунки сўровда айрим респондентлар конверт тўловни айтмаган бўлиши, “қўшимча тўлов” тушунчаси конвертдан ташқари бошқа турдаги тўловларни ҳам ўз ичига олиши ва айрим тармоқларда кузатув етарли бўлмаслиги мумкин. Шу сабабли мазкур натижа минимал ва экспериментал баҳолаш сифатида қаралиши лозим.

7. Хорижда ишловчиларни иш ҳақи ҳисобида қандай кўрсатиш керак?

Ўзбекистонда меҳнат миграцияси меҳнат бозори ва аҳоли даромадларининг муҳим элементи ҳисобланади. Лекин хорижда ишловчиларни ички иқтисодиётда яратилган иш ҳақи формуласига тўғридан-тўғри қўшиш тўғри эмас. Чунки уларнинг иш ҳақи Ўзбекистон ҳудудидаги ишлаб чиқариш жараёнида шаклланмайди. Агар хорижда ишловчилар сони ички FTE кўрсаткичига қўшилса, ички иш ҳақи сунъий равишда пастлаб кетади.

Шу сабабли мақбул ёндашув икки блокдан иборат бўлиши керак: 1) Ўзбекистон ички иқтисодиёти бўйича FTE ва меҳнат сарфи усулида ҳисобланган иш ҳақи; 2) хорижда ишловчилар бўйича пул ўтказмалари ёки миграция сўровлари асосида алоҳида таҳлил. Марказий банкнинг чет элдан пул ўтказмалари маълумотларидан “бир нафар хорижда ишловчига тўғри келадиган ўртача пул ўтказмаси” кўрсаткичи сифатида фойдаланиш мумкин.

4-жадвал. Айрим хорижий давлатлар тажрибаси

Мамлакат	Қисқа тажриба	Ўзбекистон учун аҳамияти
<i>Италия</i>	Istat кузатилмайдиган иқтисодиёт ҳисобларида меҳнат сарфи усули ва FTEдан фойдаланади; 2023 йилда кузатилмайдиган иқтисодиёт 217,5 млрд евро ёки ЯИМнинг 10,2 фоизи сифатида баҳоланган [5].	Кузатилмайдиган иқтисодиёт ва иш ҳақи қамровини таҳлил қилиш учун меҳнат сарфи, FTE ва маъмурий манбалар интеграцияси зарур.
<i>Германия</i>	Иш ҳақи, иш вақти, иш берувчи харажатлари ва ижтимоий суғурта маълумотлари кучли маъмурий база билан қўллаб-қувватланади.	Маъмурий маълумотлар иш ҳақи статистикаси тезкорлиги ва ишончилигини оширади.
<i>Нидерландия</i>	Европа меҳнат органи тадқиқотларида ёлланма бандлик ва ўзини ўзи банд қилиш бўйича ҳисоботларда кузатилмайдиган ва эълон қилинмайдиган меҳнат алоҳида баҳоланади.	Фақат ёлланма ходимларни эмас, ўзини ўзи банд қилганларни ҳам алоҳида баҳолаш керак.
<i>Испания</i>	Эълон қилинмайдиган меҳнат инспекцияси, солиқ ва ижтимоий суғурта маълумотлари уйғунлаштирилади.	Конверт тўловлар статистика, бандлик вазирлиги ва солиқ маълумотлари билан солиштирилиши мумкин.
<i>Хорватия ва Руминия</i>	Норасмий меҳнат, ўзини ўзи банд қилиш ва тармоқлар кесимидаги фарқлар алоҳида тадқиқ этилади.	Тармоқ вазнлари ва бандлик мақоми бўйича алоҳида ҳисоблаш натижани аниқлаштиради.

Манба: Расмий интернет саҳифаларидаги маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилди.

Бу тажрибалардан чиқадиган умумий хулоса шундай: иш ҳақи статистикаси фақат корхоналар ҳисоботидан иборат бўлмаслиги керак. У ишчи кучи кузатуви, маъмурий маълумотлар, ижтимоий тўловлар, иш вақти ва ходим даражасидаги микромаълумотлар билан уйғунлаштирилса, иш ҳақи сиёсати учун анча ишончли ахборот базаси яратилади.

8. Ўзбекистон учун таклиф этиладиган индикаторлар панели

Европа меҳнат органи тадқиқотларида эълон қилинмайдиган меҳнат икки асосий шаклда баҳоланади: биринчиси — иш берувчига ёлланиб ишлайдиган ходимлар бўйича шартномасиз ишлаш, иш ҳақини кам кўрсатиш ёки “конверт” тўловлар; иккинчиси — ўзини ўзи банд қилган шахслар бўйича фаолият ва даромадларни тўлиқ расмийлаштирамаслик ҳолатлари. Бундай ажратиш яширин меҳнатни аниқроқ баҳолаш ва ҳар бир тоифа учун алоҳида чоралар ишлаб чиқиш имконини беради.

5-жадвал. Ўзбекистон учун таклиф этиладиган иш ҳақи индикаторлари панели

Индикатор	Содда формула / мазмун	Аҳамияти
Расмий ўртача ойлик иш ҳақи	Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар / ходимлар ўртача сони	Амалдаги асосий кўрсаткич сифатида сақланади
FTE иш ҳақи	Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар / FTE	Тўлиқсиз иш вақти таъсирини нейтраллаштиради
Соатлик иш ҳақи	Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар / ишланган соатлар	Халқаро таққослаш ва гендер тафовут учун керак
Медиана иш ҳақи	Иш ҳақи тақсимотида ўртада турган қиймат	Оддий ходим ҳолатини яхшироқ кўрсатади
Паст иш ҳақи улуши	Соатлик медиананинг 2/3 қисмидан кам иш ҳақи олувчилар улуши	Иш ҳақи асосида камбағаллик хавфини кўрсатади
Конверт/қўшимча тўлов улуши	Конверт/қўшимча тўлов фонди / реал меҳнат даромади	Яширин тўловлар хавфини баҳолайди
Қамровдан ташқари FTE	Сўров FTE – расмий FTE	Ҳисобот қамровидан ташқари меҳнат сарфини кўрсатади

Манба: OECD, Eurostat, Istat, ELA методологик ёндашувлари ва Ўзбекистон маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

9. Амалиётга жорий этиш механизми

Иш ҳақи кўрсаткичларини хорижий тажрибалар асосида баҳолаш учун қуйидаги 6 босқичли механизм таклиф этилади.

1-босқич — маълумотларни хатловдан ўтказиш. Статистика ҳисоботлари, ишчи кучи кузатуви, солиқ маълумотлари, Ягона миллий меҳнат тизими ва маъмурий регистрлар рўйхати тузилади.

2-босқич — маълумотларни тозалаш ва бир хил таснифга келтириш. Иқтисодий фаолият турлари, ҳудудлар, бандлик мақоми, иш вақти ва тўлов даврлари ягона форматга келтирилади.

3-босқич — FTE ва ишланган соатларни ҳисоблаш. Корхона ҳисоботлари ва сўровнома маълумотлари бир хил меҳнат сарфи бирлигига келтирилади.

4-босқич — тармоқ вазнлари ва конверт/қўшимча тўловларни ҳисоблаш. Ҳар бир иқтисодий фаолият тури бўйича сўров натижалари умумий бандликка ёйилади.

5-босқич — меҳнат сарфи усулида таққослаш. Уй хўжалиги кузатувидаги меҳнат таклифи ва юридик шахслар ҳисоботидаги меҳнатдан фойдаланиш фарқи таҳлил қилинади.

6-босқич — ҳисобот ва сиёсий қарорлар учун индикаторлар. Натижалар тармоқлар, ҳудудлар, бандлик мақоми ва иш вақти режими кесимида тақдим этилади.

Бу механизмни жорий этишда энг муҳим талаб — натижаларни тўғри номлашдир. Масалан, FTE иш ҳақи расмий иш ҳақи кўрсаткичидир; конверт тўлов сўров асосидаги кўшимча баҳолашдир; камровдан ташқари FTE эса расмий ҳисобот камровидан ташқари меҳнат сарфини кўрсатади.

Хулоса

Ўзбекистонда иш ҳақи кўрсаткичларини баҳолаш бўйича мавжуд расмий статистик асос муҳим ва сақланиши керак. Бироқ иқтисодиётдаги меҳнат муносабатлари мураккаблашиб бораётган шароитда ўртача ойлик иш ҳақи ягона кўрсаткич сифатида етарли эмас. У FTE, соатлик иш ҳақи, медиана, паст иш ҳақи, гендер иш ҳақи тафовути, конверт/кўшимча тўловлар ва расмий ҳисобот камровидан ташқари меҳнат сарфи билан бойитилиши зарур.

Италия тажрибаси, ОЕСДнинг FTEга асосланган ўртача иш ҳақи ёндашуви, Евростатнинг иш ҳақи тузилмаси статистикаси ва Европа меҳнат органининг меҳнат сарфи усули асосида эълон қилинмаган меҳнатни баҳолаш тажрибаси Ўзбекистон учун амалий аҳамиятга эга. Бу тажрибаларни тўлиқ кўчириш эмас, балки миллий маълумот манбалари ва институционал имкониятларга мослаштириш лозим.

Мақолада келтирилган экспериментал ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, уй хўжаликлари кузатуви ва расмий статистика ҳисоботлари биргаликда ишлатилса, иқтисодий фаолият турлари кесимида конверт/кўшимча тўловлар ва ҳисобот камровидан ташқари меҳнат сарфини баҳолаш мумкин.

Шу муносабат билан Ўзбекистонда иш ҳақи статистикасини такомиллаштиришнинг энг мақбул йўналиши — мавжуд расмий ўртача иш ҳақи кўрсаткичини сақлаган ҳолда, уни FTE иш ҳақи, соатлик иш ҳақи, медиана, меҳнат сарфи усули, конверт/кўшимча тўловлар ва маъмурий маълумотлар билан уйғунлашган комплекс индикаторлар панелига айлантиришдир.

Амалий таклифлар

1. Иш ҳақи статистикасида тўлиқ иш вақти эквивалентидаги ходимлар сони ва ишланган соатлар бўйича алоҳида индикатор метамаълумотларини ишлаб чиқиш.

2. Уй хўжаликлари кузатувида конверт/қўшимча тўловлар, шартнома тури, иш берувчи тури ва бандлик мақоми бўйича маълумотлар сифатини ошириш ва улардан иш ҳақи ҳисоб китобларида доимий фойдаланиш.

3. Иқтисодий фаолият турлари бўйича тармоқ вазнлари асосида сўров натижаларини республика даражасига ёйиш услубиётини ишлаб чиқиш.

4. Йиллик “Ўзбекистонда иш ҳақи тузилмаси” таҳлилий ҳисоботини тайёрлаш ва унда ўртача иш ҳақи, FTE иш ҳақи, соатлик иш ҳақи, медиана, конверт/қўшимча тўлов, паст иш ҳақи ва гендер тафовутни биргаликда эълон қилиш.

5. Хорижда ишловчилар ва чет элдан пул ўтказмаларини ички иш ҳақи ҳисобидан алоҳида таҳлил қилиш.

Фойдаланилган манбалар

1. Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси. “Ўзбекистон Республикасида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи, 2025 йил январь-декабрь”. Пресс-релиз, 26.01.2026.
2. OECD. Average annual wages indicator: definition and methodology.
3. OECD, IMF, ILO, CIS Stat. Measuring the Non-Observed Economy: A Handbook. OECD, 2002.
4. Istat. Labour Market, Second quarter of 2025. Methodological notes on ORos, Vela, INPS, FTE and hours worked.
5. Istat. Non-observed economy in national accounts, years 2020–2023. Press release, 17.10.2025.
6. Eurostat. Structure of Earnings Survey — microdata: scope and methodology.
7. Eurostat. Gender pay gap statistics — methodology.
8. Eurostat. Labour costs — labour market methodology.
9. European Labour Authority. Extent of undeclared work in the European Union. 2021.
10. Уй хўжаликлари/ишчи кучи кузатуви сўровномаси, 2025 йил: бандлик, ишланган соат, иш ҳақи ва конверт/қўшимча тўловлар блоклари.
11. 2024 йил учун расмий статистика ҳисоботи ва ишчи кучи кузатуви маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.